

# O'zbekiston adabiyoti va san'ati



ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊЪАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqq boshlagan • www.uzas.uz • 2008-yil, 17-oktyabr • № 42 (3974)

## ТИЛИМИЗНИНГ ТИЛЛО САНДИГИ

Инсон рухий-маънавий, ақлий-маърифий оламнинг тамалида она тили ётади. Шунинг учун ҳам башарият тамаддунининг ташаккули ва тақомиланидан иборат гоят мураккаб ва мунтазам, ибтидоли, аммо интихосиз жараёни тилдан ташқарида тасаввур этиб бўлмайди. Муҳтарам Президентимиз И.Каримов "Юксак маънавият — енгилмас куч" номи асариде таъкидлаганларидек, "...узлиқни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар уртасидаги рухий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади. Жамини озгу фасилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили — бу миллатнинг руҳидир".

Демак, миллат руҳининг борлиги ва бардамлиги она тилининг оидин йўлдан омон юриши билан чамбарчас боғлиқ. Шубҳасизки, юз йилдан ортиқ иштибод исқанжасида қолган ўзбек халқининг она тили мустақиллик туйфайли давлат тили мақомига эришди, бу мақом халқнинг дардимд руҳига малкам бўлди. Юртбошимизнинг таъбирлари билан айтганда, бугун "...ўзбек тили мустақил давлатимизнинг байроғи, герби, мадҳияси, Конституцияси қаторида турадиган, қонун йўли билан ҳимоя қилинадиган муқаддас тимсолларидан бирига айланди".


Маълумки, ўзбек тили дунёдаги энг бой ва мантқиғи тиллардан биридир. Ўзбек тили грамматикасининг расолиги ва сўз хазинасининг бепойнлиги жуда кўп фарб олимларини (масалан, олим филолог Макс Мюллер ва бошқалари) хайратга солган. Зотан, ер юзидеги, каттадир-кичидир, барча тилларнинг негизини грамматика ва сўз бойлиги ташқил этади. Табиғий, тилининг тилан мантинги акс эттирадиган грамматик қондалар тегишли дарслик ва қўллан

## 21 октябр — Она тили байрами кун

бўлган улкан эҳтиёж инобатга олиниб, ҳукумат тарафидан ўзбек тилшунослари олдига ўзбек тилининг янги изоҳли луғатини яратиш вазифаси қўйилган эди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 10 сентябрдаги 311-сонли қарорининг ижроси ўлароқ, ЎзФА Тил ва адабиёт институти олимлари томонидан яратилган "Ўзбек тилининг изоҳли луғати"нинг режалаштирилган барча беш жилди бугун "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриётида босмадан чиқариб бўлинди. Бу луғат ўзбек тилшуносларининг машаққатли ва мунтазам изланишлари, заргарона меҳнатлари маҳсули экани шубҳасиз. Айтиш жоизки, маъруз луғат ўзбек тилшунослигидаги, хусусан, ўзбек луғатчилигидаги ўзига хос тараққиёт босқичини тайин этадиган, тилимизнинг сўз бойлигини кўз-қўз қиладиган мўътабар манбадир. Айни пайтда, мустақиллик шароитида тилимизнинг табиатига тамомила мос тарзда яратилган тилло сандиқ сифатида маданий-маърифий ҳаётимиздаги чинакам тарихий воқеа ҳамдир.

Мамлакатимизда иқтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида янгидан-янги тушунчалар пайдо бўлди ва бу тушунчалар тегишли тарзда ўзбек тилида ўз ифодасини топди. Илгариги луғатлардан жой олиш имкониятидан маҳрум бўлган ажр, маънавият, менталитет, миллийлик каби бир қанча сўзлар бугун тилимизда энг фаол қўлланаётган сўзлар сирасида. Янги луғатда бундай сўзлар маъноларининг аниқ-тиниқ тавсифи берилган. Масалан, маънавият сўзининг маъноси "инсониятнинг фалсафий, ҳуқуқий, илмий, бадийий, диний, ахлоқий ва шу каби тасаввурлари ва тушунчалари мажмуи" тарзида жуда лўнда ва содда изоҳланган.

Давоми иккинчи бетда.



Она тилим — жону дилим!

## ШЕЪРИЯТ БАЙРАМИ

Бақия Ҳабиб Абдулла бўлиб Саҳроларда очажасан қон...

Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповнинг муҳлисига эд бўлиб кетган "Ўзбекистон" шеърисидаги ушбу мисралар машҳур геолог олим, академик Ҳабиб Абдуллаевга бағишланган ҳамма-мизга гурур бағишлайди. Дарҳақиқат, бепойн Кизилқум бағрида бундан ярим аср муқаддам академик Ҳабиб Абдуллаев ва унинг издошлари томонидан аниқланган қонлар эндиликда Ватанимиз равнақи йўлида хизмат қилмоқда. Бу қонлар ақинида саноят қорхоналари ва қончилар шаҳарлари бунёд этилган. Қарманда яқинида 1958 йилдан қурила бoshлаган қончилар шаҳри эса халқимизнинг улғ мутафаккири шоири ҳазрат Алишер Навоий номи билан аталган. Мустақиллигимиз туйфайли Кизилқум бағрида ястанган Навоий шаҳри янада ободоналади, йирик саноят қорхоналари фаолият йўрсатаётган, юздан зиёд миллатга мансуб юртдошлар ахилликда яшаб, меҳнат қилаётган қўркам гўшага айланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 июлдаги "Навоий қон-металлургия комбинати ҳамда Навоий шаҳрининг 50 йиллик юбилейига таъйин қилинган кўриш ва уни нишонлаш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ бу тўйга қизгин тарадуд олиб борилаётган. Мазкур қарор ижроси юзасидан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан ҳам қатор иқидий вазифалар белгиланган. Яқинда Ёзувчилар уюшмаси раиси, Олий

Мажлис Сенати аъзоси Абдулла Орипов Навоий вилоятида фаолият кўрсатаётган бир гуруҳ ижодкорлар иштирокидаги анжуманда навоийлик қончилар фаолиятига доир бадий асарлар яратиши, уларни нашр этиш билан боғлиқ масалалар хусусида сўз юрди. Ҳазрат Алишер Навоий номи билан аталаётган шаҳарда олиб борилаётган ишлар, овоз ва обод мамлакатимизни янада гуллатаётган юртдошларимиз сая-ҳаракатлари, Ватанга садоқат руҳида ўсиб улғаяётган, илму ҳунар эгаллаётган ёшларимизнинг интилишлари ижодкорларимизга куч ва илҳом бағишлайди.

Анжуманда шу руҳдаги шеърлар янграб, у ҳақиқий байрам тусини олди. Устоз ўз муҳлисарига яқинда Италияда ўтказилган "Данте Ўзбекистонда" деб аталган адабиёт байрами ҳақида сўзлаб берди. Шоирнинг янги шеърларини олим талабалар, тадбиркор қончилар, деҳқон чорвадорлар завку шавк билан кутиб олдилар.

Вилоят ижодкорлари йиғилишида шоир Баҳриддин Садриддинов Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Навоий вилоят бўлими масъул котиби этиб тайинланди. Иқтимоий-иқтисодий ислохотлар жадал олиб борилаётган Навоий вилоятидаги шеърини байрами Қарман тумани пахтакорлари хузурида давом этди. Тадбирда Навоий вилояти ҳокими, Олий Мажлис сенатори Баҳриддин Рўзиев иштирок этди.

Рустам МУСУРМОН

Ўтган йигирманчи аср инсоният тарихининг энг зиддиятли юз йиллиги сифатида тарихга кирди. Икки жаҳон уруши ва яна бир қанча хунрезликлар шу асрда юз берди. Соёқ тузум халқнинг асл фарзандлари — ижодкор зиндилар, тадбиркор ва ишбилармонларни қувғин қилди, қамқоқоналарида мислсиз азоб-уқубатлар дучор қилди. Бу жаҳолар туйфайли кўсиқ доғ бўлмаган бирор-бир хонадон қолмади. Аммо ноҳақ зулм, тухмат, қийноқ ва таҳрирлар ҳам имон-этиқоди бут одамларни синдира олмади. Улар барбир бир кунди адолат қарор топишига, юрт озод бўлишига, ҳуррият тонгги отишига ишониб яшадилар. Шундай ватандошларимиздан бири — ҳассос ёзувчи, маҳоратли таржимон ва ҳозиржавоб публицист, ўз вақтида устоз Чўлпон ва Ойбекнинг юксак баҳосига сазовор бўлган Мирзақалон Исмоилий эди.

Куни кеча Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетига адиб таваллудининг 100 йиллигига бағишланган адабий анжуман бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз адабий жамоатчилиги вакиллари — шоир ва ёзувчилар, адабиётшунос олимлар, ноширлар, маданият ва санъат намояндалари, ёзувчининг оила аъзолари, муҳлис ва шогирдлари, хорижий меҳмонлар ва олий ўқув юрталарининг талабалари иштирок этдилар.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов ўз сўзида Мирзақалон Исмоилийнинг миллат олдидеги хизматлари, адабиётимиз равнақида кўшган салмоқли ҳиссасига алоҳида тўхталиб ўтди.

— Мирзақалон Исмоилий турли фоҳишалар, гирдоблар асрида яшаб ўтди, — дея таъкидлади нотик. — Бу асрда халқимиз, хусусан, зиндилар бошига кўп маломатлар ёғилди. Иккинчи жаҳон урушида қон кечиб қолган бир гуруҳ ижод-



Тоҳир Малик ОЗОД ИНСОН ҲАҚИДА ҚУШИК

қатъиятли, иродаси мустаҳкам инсон эди, — дея эътироф этди адабиётшунос олим Зухридан Исомиддинов. — Устознинг биргина таржимонлик фаолияти адабиётшунос олимлар, тадқиқотчилар учун бой тадқиқот манбаси бўла олади. У киши машҳур "Чолиқуши" романи таржима қилиш учун турк тилини ўргандилар ва бу

риб, миллий адабиётлар ичида биринчилардан бўлиб, таржима маҳорати мактабини яратдилар. Шунинг ўзиде бу заҳматқас адибнинг номини яна узоқ йиллар давомида эҳтиром минбарига кўтариб туради.

— Мирзақалон Исмоилий ўзига, ҳамкасб дўстларига талабчан, Анжуманда таниқли шоир ва ёзувчилар, адабиётшунос олимлар Умарали Норматов, Абуғафур Расулов, Носир Фозил, Ойдин Ҳожиёва, Нурбой Жабборов, Тоҳир Малик, Хуршида, университет ректори Фафуржон Мухамедов, Олий адабиёт курси тинловчиси Дилноза Муродова, Мирзақалон Исмоилийнинг набираси Қозимхон Саъдуллаев ва бошқалар сўзга чиқиб, адиб ҳаёти ва ижоди бугун ҳам ўзининг тарбиявий аҳамиятини йўқотмаганлигини эътироф этдилар.

Шу кунди Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Маликнинг устоз Мирзақалон Исмоилийга бағишланган "Озод инсон ҳақида қўшиқ" ҳужжатли қиссасининг тақдими ҳам бўлиб ўтди.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида ҳам Мирзақалон Исмоилий таваллудининг юз йиллигига бағишланган тадбир ташқил этилди. Тадбирда университет ўқувчилари — филология фанлари доктори Ҳамиджон Хомидий, доцентлар Ф.Набиев, Т.Матқубова, Ш.Исаева, шоир ва ёзувчилар Носир Фозил, Шодмон Отабек, Шукур Қурбон ва бошқалар сўзга чиқиб, адибнинг ўзбек адабиёти равожига қўшган ҳиссаси, инсоний фазилатлари ҳақида гапирдилар. Таниқли ёзувчи Тоҳир Маликнинг устоз адиб ҳаёти ва ижодида бағишланган "Озод инсон ҳақида қўшиқ" ҳужжатли қиссасидан филология факультетлари талабалари ўқиб беришган парчалар иштирокчиларда илиқ таассурот қолдирди.

Атоқли адиб Мирзақалон Исмоилий таваллудининг юз йиллигига бағишланган тадбирлар Андижон вилоятининг Бўлоқбоши туманида давом этади.

М.АХМЕДОВ

## НОБЕЛ МУКОФОТИНИНГ ЯНГИ СОҲИБЛАРИ

Ўтган ҳафтада Стокгольмда бўлиб ўтган навбатдаги 107-Нобел ҳафталигида ушбу нуфозли мукофотнинг янги эгалари номи эълон қилинди.



Адабиёт соҳасидаги мукофот французлик ёзувчи Жан Мари Гюстав ле Клезиога насиб этди. Финляндиялик таниқли сиёсатдон ва жамоат арбоби Махти Ахтисарининг номи кўпчилиқка яқин таниш. У узоқ йиллар давомида сиёсий танглик юзага келган ҳудудларда воситачилик ролини ўйнаб, жиддий натижаларга эришган. Ахтисари Нобелнинг Тинчлик мукофотига ана шу хизматлари учун мюъссар бўлди.

Америкалик профессор, журналист ва ёзувчи Пол Кругман эса жаҳон иқтисодийнинг бугунги ҳолатига доир тадқиқотлари учун ушбу мукофотга муносиб қўрилди.

Нобел мукофоти аниқ фанлар соҳасида муҳим натижаларга эришган бир қанча олимларга ҳам берилди.

## ИЖОДКОРЛАР ТАНЛОВИ

Пойтахтимизга алоҳида кўр бағишлаб турган "Ёшлар ижод саройи"да "Ўзбекистон маданияти ва санъати" форуми жамғармаси ва Тошкент либослар уйи бригалликда ташқил этган "Стайл.Ўз — 2008" дизайн ва мода ҳафталиги доирасида ёш рассомларнинг графика йўналишидаги ижод намуналари ва фотосуратлар танлови бўлиб ўтди.

Мазкур жамғарма ташаббуси билан ўтказилаётган бундай танловлар ёшлар орасида тобора оммалашиб бораётгани таҳсинга сазовордир. Жумладан, мазкур кўркам ижодкор йигит-қизларнинг кўплаб эскиз ва фотосуратлари келганлиги фикримизга далил бўла олади. Улар орасида Ринат Каримов, Армен Авакян, Алжон, Эрнец Куртвеллев каби профессионал ижодкорлар билан қўйраб бу соҳага энди кириб келаётган кўплаб иқидорли ёшларнинг ҳам борлиги айниқса қувонарлидир.

Танловнинг биринчи босқичида Тошкент тўқимачилик ва енгил саноят институти, Қамолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти, республика рассомлик, миллий дизайн коллежи талаба ва ўқитувчиларнинг икки юздан ортиқ ишлари кўриб чиқилди. Ҳафтлик ҳафталиқнинг Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтадиган тантанали ёпилиш маросимида бугун эълон қилинди.

## ТОНГГА ИШОНГАН АДИБ

ажойиб асарни маҳорат билан тилимизга ўғриб бердилар. "Чолиқуши", "Сўна" каби асарлар ҳозиргача етти мартадан нашр қилинди. Устозимиз тил маданиятига, тўғри ва мантқиқ таллафузга алоҳида эътибор берар эдилар. Бошқа бир устозимиз Файзулла Саломов Мирзақалон Исмоилийнинг таржимонлик маҳоратига юксак баҳо бериб, у кишининг тил бойлигини алоҳида ўрганиш, ҳаттоки махсус луғат тузиш лозимлигини таъкидлаган эди. Бугун телевидениемида таниқли ижодкорлар, санъаткорлар ҳам шевада бемалол гапирётган, хусусий радио тўқинлари маза-матрасиз хунгир-хунгир билан тўлиб-тошган бир пайтда биз Мирзақалон Исмоилийдек тилимиз заҳматқашларини энтикиб эсга оламиз.

Мирзақалон Исмоилийнинг тилимиз равнақи йўлидаги хизматлари ҳам беқиёсдир. Устоз бўлган асрда жаҳон адабиётининг икки юздан ортиқ шох асарларини ўзбек тилига ўғи-

## ТАҲРИРИЯТДАН МИННАТДОРМАН

"Ўзбекистон адабиёти ва санъати" ҳафталигини доимий равишда ўқиб бораман. Унинг саҳифаларида эълон қилинаётган кўплаб мақолалар мавзусининг долзарблиги ва фикр-мулоҳазаларининг аниқлиги билан менга ва бошқа муҳлисларга маъқул келади.

Газета кейинги пайтларда ёшлар ижодида алоҳида эътибор бермоқда. "Ёшлар овози" ва "Еттинчи кўта" саҳифаларида эълон қилинаётган кўплаб янги тадқиқотларни ўқиб экансиз, билим доирангиз кенгайди, кўплаб ижодкорларнинг ҳаёти, асарларининг ёзилыш тарихи билан танишасиз. Шу маънода газета ходимлари Иқбол Қўшшаева, Алишер Отабоев ва Жамшид Матқубовларнинг мақолалари учун таҳририятта мин-

натдорлик билдирмоқчиман. Бухоролик олим Илҳом Фанининг улғ Достоевский ҳақидаги "Мангу бедорлик сирин" тадқиқоти, Гулжамил Аскарваннинг Мақсуд Шайқозда ҳақидаги мақоласи, Шянгилиги билан менга ва бошқа муҳлисларга маъқул келади.

Газета кейинги пайтларда ёшлар ижодида алоҳида эътибор бермоқда. "Ёшлар овози" ва "Еттинчи кўта" саҳифаларида эълон қилинаётган кўплаб янги тадқиқотларни ўқиб экансиз, билим доирангиз кенгайди, кўплаб ижодкорларнинг ҳаёти, асарларининг ёзилыш тарихи билан танишасиз. Шу маънода газета ходимлари Иқбол Қўшшаева, Алишер Отабоев ва Жамшид Матқубовларнинг мақолалари учун таҳририятта мин-

"АСАКАБАНК": ишонч, унум, даромад!

"ҒАЛЛАБАНК": сиздан ҳаракат, биздан баракат!

Сольный концерт Лауреата Первых премий Международных конкурсов 12 октября Альбины Шагимуратовой (колоратурное сопрано) Казань. Россия





Мақсуа Шайхзода таваллудининг 100 йиллиги

Инсоният силсиласида ўз тарихига эга бўлмаган халқлар ҳам борми, дея савол қўйди мутафаккир Гердер...

Чунки умрим ози қолиб, кўпи кетгандир. Йўқ, йўқ султон ўлса ҳамки,

ишга мажбур қилдилар. У салтанатни, мамлакатни оқпадар ўғли Абдулатиф бошлиқ мутаассиб кунларга...

маъносини йўқотди. Шу боис, бу диёрдан тез фурсатда жўнаб кетди ("Пича таскин толай дея кетгум сафарга")...

Кўнгиа кинонинг сирли китоби

ниятларининг намоён бўлиш босқичларидир. Устоз Шайхзода "Мирзо Улугбек", "Жалолддин Мангуберди" тарихий фожеаларида...

Олимпларга мангу ҳаёт тарихи — башар. Нима, нима деган эди Пирри Зиндоний?

ўз ожизлигини яширолмайдди. Мирзо Улугбек учун ҳаёт ўз маъносини йўқотган эди. У қолган умрини илм-фанга бағишламоқчи...

Демак, фожевийликнинг ўзини муҳим белгиси, бу — қаҳрамон учун ҳаёт ўз маъносини йўқотишидир. Хусусан, Мирзо Улугбек қирқ йиллик ҳукронлигидан кейин алаҳ-оқибатда...

Сирлар бетидаги ниқобин очмоқ, Зиддиятлар маъносини англамоқ, ечмоқ, Мутафаккир назарида улуг саодат...

“Ҳаётпарвар меҳнатга нур, қотилларга — гўр...”

Демак, фожевий асарнинг иккинчи муҳим белгиси — ҳақиқатнинг ёлғонга айланганидир. Демак, "Мирзо Улугбек" тарихий фожеасида мақсад ва интилишда, фаолиятда алданши...

Драмагур ўз асари орқали "буёқ шахслар ҳаётида янгилишмаслиги керак, йўқса тарих кечирмайди", демоқчиси? Йўқ, асарнинг гоявий-бадиий йўналиши, фалсафий маъзи узрача...

Ўғлим, сенинг иродангги еб қўйди китоб, Сипоҳийлик расмларин қилмайин писанд, Юлдузларнинг қўшинига бўлдинг фармондор, Осмоний ўлкаларни олмоқчи бўлиб Ердаги нақд диёрингни бой бердинг қўлдан.



Фожеанинг бошқа бир кирриси султоннинг ўзига ва ўзлигига бориб боғланади. Ушбу диалог маъмур фожеанинг моҳиятини очиб беради. Саккокий биринчи мерган Шахриёрнинг ўзлари-ю, аммо душманининг Кўкрагига ўқ узишга қўллари бормас. Абдуэрзоқ Чунки ўз ўғли-да, иллат шунда-да!

ҳаётдан беши, одамлардан зада бўлиш, узлатга чекиниш, ҳамма нарсага қўл силкиш сингари туйғуларни тудираётгани йўқ. Агар масала шу тариха келса, ҳар уч асар ҳам ("Манфред", "Кирол Лир", "Мирзо Улугбек") ижтимоий-фалсафий моҳиятини йўқотган бўларди. Биргина "Мирзо Улугбек"даги орзуларда алданши, шох ва олим қалбдаги тугён маъносига чуқурроқ рази солайлик.

Этибор берайлик: салтанат соҳиби — эркак муҳтож! Бу — Мирзо Улугбекнинг эътиқоди

Шу тарихида келиб чиққан хатоси эмас. Шу тарихида шахсий ожизлик буюқ аллома яшаган ижтимоий муҳитнинг хатоси тарихида намоён бўлади. Оқибатда Мирзо Улугбек топан эрк ҳам вақтинчалик, ўқинчи экани аёнлашади. Мутаассиб кунлар уни қатл этдилар. Қўрқинчлик, индивидуал озодлик ҳеч қачон шахснинг ўлка ҳурлигини, ижтимоий эркини тавминлай олмас экан. Ижтимоий муҳитнинг эрки, жамиятнинг эркилиги шахс ҳурлигини белгилай беради, деган фалсафий маъно балқиб туради тарихий драмада. Зеро, "...тарихий шахсларнинг ҳаётини бахтли дейиш қийин. Бахт, деб аталган нарса турли жил ташқи шароитларда келажак ҳаётда бўлиши мумкин. Кимки муҳтожлик сезса, бу юпанчини тарихдан топади ҳам... Шундай қилиб, ҳозирги замонда ҳам тоғу тахтада ҳеч ким бахтли бўла олмаслиги қўп бор тасдиқланади" (Гегел, "Тарих фалсафаси").

Жадидлар ҳаётининг илк тадқиқотчиларидан бири Солиҳ Қосимов жадидлар сарвари Бехбудий суратини набиралари Шавкатхон Бехбудийдан олган, деган таҳминлар бор. Бу фотосуратни Беғали Қосимов кейинчалик матбуотда эълон қилди, китобларга киритди. Дарҳақиқат, Солиҳ Қосимов билан Беғали Қосимов хотираси олдида таъзим қилсак арзийди. Улар шўролар давридаёқ ҳеч чўчима жадидлар ҳаётини тадқиқ қилишга киришдилар, уларни

маънан тирилтирдилар. Улар эълон қилган биринчи фотосуратнинг асл нусхаси қўлимизда йўқ. Бехбудий ҳазратлари хушкелбат, вазмин, хушсураат, жиддий инсон бўлганлигини суратига қараб фахрлаш қийин эмас. Кийган либосларига қараб у киши ўз даврининг зиёли, солиҳ кишини эканини ҳам билиш мумкин. Кейинчалик бир расом шу суратга қараб аллоمانинг расмини чизган (иккинчи сурат). Бехбудий ҳазрат-

ларини тағин ҳам салобатли қилиб қўрсатиш илдинда соқолларини узунроқ, мўлроқ, салласини эса катароқ қилиб тасвирлаган. Айнан шу ўринда мантқиқ жилла бузилган. Бехбудий ва бошқа маърифатпарварлар соқолни қисқа, саллани кичик қилганликлари учун жадид, деб маломат қилинганлар. "Жадид" сўзи гарчи "янгилик" маъносини билдирса-да, ўша замонларда салбий оҳангда қўлланилган. Биз бугун "жадид" сўзини эҳтиром билан тилга ола-

мушу тўғали камар шундан нишонда) либосида. Маълумки, Бехбудий ҳазратлари уч ўғил ва бир қиз кўрганлар. Қизи Парвин француз тили бўйича мутахассис бўлган, турмушга чиқмай, 1984 йили 82 ёшда оламдан ўтган. Шу аёл Фаррухон деган жиянини бот-бот бағрига босиб: "Сен отамнинг қуйиб қўйган ўзисан", деркан. Ҳайкалтарош Эргашхон Қаҳоров ҳазратнинг ҳайкалларини тайёрлашда фотосурат билан бирга Фаррухоннинг қиёфасидан ҳам фойдаланган. Ҳайкал 2006 йил март ойида тантанали турзда очилди (тўртинчи сурат). Бехбудий ҳазратларининг қабри бўлмаганлиги сабабли руҳларини зиёрат қилиш имкони, маълум маънода чекланганди. Эндиликда тузилган кунларини ўтказиш, пойларига гул қўйиш, руҳларига дуо ўқиш имкони юзага келди. Матбуотда бот-бот Бехбудийнинг бошқа фотосуратлари ҳам пайдо бўлиб қолади. Аммо бу қиёфалар устозга унчалик ўхшаш эмас. Шунинг учун уларни эътибордан соқит қилган маъқул. Матбуот учун биринчи ва учинчи фотосуратни тавсия қилиб қоламиз.

БЕҲБУДИЙНИНГ СУРАТИ ВА СИЙРАТИ



Матбуотда бот-бот Бехбудийнинг бошқа фотосуратлари ҳам пайдо бўлиб қолади. Аммо бу қиёфалар устозга унчалик ўхшаш эмас. Шунинг учун уларни эътибордан соқит қилган маъқул. Матбуот учун биринчи ва учинчи фотосуратни тавсия қилиб қоламиз.

Матбуотда бот-бот Бехбудийнинг бошқа фотосуратлари ҳам пайдо бўлиб қолади. Аммо бу қиёфалар устозга унчалик ўхшаш эмас. Шунинг учун уларни эътибордан соқит қилган маъқул. Матбуот учун биринчи ва учинчи фотосуратни тавсия қилиб қоламиз.

Матбуотда бот-бот Бехбудийнинг бошқа фотосуратлари ҳам пайдо бўлиб қолади. Аммо бу қиёфалар устозга унчалик ўхшаш эмас. Шунинг учун уларни эътибордан соқит қилган маъқул. Матбуот учун биринчи ва учинчи фотосуратни тавсия қилиб қоламиз.

мушу тўғали камар шундан нишонда) либосида. Маълумки, Бехбудий ҳазратлари уч ўғил ва бир қиз кўрганлар. Қизи Парвин француз тили бўйича мутахассис бўлган, турмушга чиқмай, 1984 йили 82 ёшда оламдан ўтган. Шу аёл Фаррухон деган жиянини бот-бот бағрига босиб: "Сен отамнинг қуйиб қўйган ўзисан", деркан. Ҳайкалтарош Эргашхон Қаҳоров ҳазратнинг ҳайкалларини тайёрлашда фотосурат билан бирга Фаррухоннинг қиёфасидан ҳам фойдаланган. Ҳайкал 2006 йил март ойида тантанали турзда очилди (тўртинчи сурат). Бехбудий ҳазратларининг қабри бўлмаганлиги сабабли руҳларини зиёрат қилиш имкони, маълум маънода чекланганди. Эндиликда тузилган кунларини ўтказиш, пойларига гул қўйиш, руҳларига дуо ўқиш имкони юзага келди. Матбуотда бот-бот Бехбудийнинг бошқа фотосуратлари ҳам пайдо бўлиб қолади. Аммо бу қиёфалар устозга унчалик ўхшаш эмас. Шунинг учун уларни эътибордан соқит қилган маъқул. Матбуот учун биринчи ва учинчи фотосуратни тавсия қилиб қоламиз.

"Адабиёт бозорга мослашди...ми?", "ЎЗАС", 2008 йил, 41-сон

Айтишларича, бир кун устоз Фафур Фулом вилоят газеталарига машқларини ўтказиб юрадиган бир хаваскор қаламқашдан сўради: "Ойига неча пил толайсиз?"

Қаётдан айнан кўчириш худди китобдан кўчиришдай гап". Хеч замонда шахар бедарвоза бўлмаган. Бу ўринда иходкорнинг қарши-қалъасини назарда тутиб, бу кўрғоннинг мустаҳкамлиги нафа-

Акс садо

каш. Шунда Фафур Фулом: "Келинг, мен сизга ҳар ой ўттиз сўм бераман, сиз шеръ ёзишдак "бемаза" ишни йиғиштирасиз?", деган экан. Бундан салкам бир аср аввал муҳтарам адабимиз Абдулла

қат соҳибининг ўзи учун, балки адабиёт учун ҳам аҳамиятли эканлигини, Ш.Отабек қуйиб ўқирганидек, "адабиётнинг моҳиятига доир фикр ўзгарганлиги" адабиётнинг фойдасига эмас, аксинча,

"ПУЛ БЕРАЙ... ШЕРЪ ЁЗМА!"

Қодирий "тишли-тирокчи бўлиб маҳлуқ" — танқидчи қурол қилиб, жамиятга адабиётдаги иллатларнинг устидан ачқик қилиб, уларни тузатмоққа қаттиқ бел боғлаган эдилар. Натижада тили заҳар, далили ўткир Жулқунбой айрим-айрим уйқусини қочириб, тиззасини қалтириб қўйгани кўпчилик маълум.

зарарига хизмат қилишини эсдан чиқармаслик лозимлигини таъкидлашни истардик. Гапимизнинг аввалида келтирилган атоқли шоир Фафур Фуломнинг "сахийлиги" бир қарашда ҳазилдек туйилса ҳам, унинг замридаги ачқик ҳақиқат — Топшўлат тажакнинг қуфрини оширган, Жулқунбой қаламини ўткирлаган... ва ниҳоят, Шодмон Отабекнинг қўлига қалам олишга мажбур қилган ҳақиқат, зора, танқид тигини ўзига қабул қилганларга ҳам таъсир этса-ю, улар, Абдулла Қодирий таъбири билан айтганда, "ўзини хурмат қилмасча ҳам ёзувчиллик исмини хурмат қилишса".

Ш.Отабек тўғри таъкидлаганидек, адабиётнинг "ўзак масаласи" — "нимани ёзишни эмас, ўша "нима"ни қандай ёзишни" муҳим деб билган ва билганларига содиқ бўлганларнинг бетакорр асарлари вақт устидан қолибдир. Афсуски, ҳозирда китобхоннинг дангасалик касалига учрагани етмагандай, қўлига қалам тутган баъзи қаламқашлар ўзини гўё адабиётнинг устунидек сезади. Ҳолбуки, ҳаётдан айнан кўчирган билан ҳам мурод ҳосил, олам гулистон бўлиб қомайди. Устоз адабимиз Абдулла Қаҳҳор киноя

Ушбу мақола Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди. Лойиҳа номин: «Истеъдодли иходкор ёшлар маҳоратини ошириш, ОАВ учун малакали кадрлар етказиб бериш орқали уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ва маданий-маърифий ҳаётидаги иштирокчи янада фаолаштириш».

Ушбу мақола Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди. Лойиҳа номин: «Истеъдодли иходкор ёшлар маҳоратини ошириш, ОАВ учун малакали кадрлар етказиб бериш орқали уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ва маданий-маърифий ҳаётидаги иштирокчи янада фаолаштириш».

ЗАҲМАТКАШ ОЛИМ

Меҳнат инсоннинг қадрини юксалтиради, илм, ижод унинг номини шарафларга бурқайди. Бугунги кунда мамлакатимиз тарқиқети, адабиётимиз, санъатимиз равнақи йўлида фидокорона меҳнат қилиб, обрў-эътиборга сазовор бўлаётган олимлар талайгина. Адабиётшунос олим, мунаққид, жонқур устоз-мураббий, филология фанлари доктори, профессор Ўткир Шокиров шундай фидойий олимлардан бири.

Истиқлол даврида у Ўзбекистон санъати усталарининг ижодини изчил ўрганди. Бир неча китоблар ёзди, мақолалар эълон қилди, 500 нафар санъаткорнинг ихчам ижодий портретлари тўпламлари санъатшунослигимизда воқеа бўлди, жамоатчилик назарига тушиб, матбуотда ижобий баҳоланди. Шахсан ўзим олимнинг "Ўзбекистон маданияти намояндалари", "Миллий театримиз намояндалари" китобларига иш жараёнида тез-тез мурожаат қилиб тураман. Ҳар икки китоб ҳам катта маъсулият билан ёзилган.

Ўткир Шокировнинг яна бир салмоқли ижодий меҳнати атоқли олим, машҳур драмагур Иззат Султон ҳақидаги тадқиқотидир. У чорак аср мобайнида Иззат Султон ижодини чуқур ўрганиб, унинг адабиётимиз ривожига қўшган улкан ҳиссасини илмий-назарий асослаб кўрсатди. Унинг "Иззат Султон — драма-мозодлик диссертацияси, рус тилида чоп этилган "Иззат Атаханович Султонов" номли рисолиси, шунингдек, "Танқидчи ижодининг индивидуаллиги ва тарихий-адабий жараён" мавзусидаги докторлик диссертацияси фикримизни тўла тасдиқлайди.

Айниқса, олимнинг Иззат Султон ижодида бағишланган тадқиқоти ва рисолиси унинг фаолиятидаги энг салмоқли ишлардандир. Уларда Ўткир Шокиров Иззат Султоннинг адабиётнинг илмий-назарий масалаларини ёритишдаги улкан хизматларини пухта таҳлил қилган. Ҳақиқатан ҳам, устоз олимнинг "Адабиёт назарияси" (биринчи нашри 1993 йил, иккинчи кенгайтирилган нашри 1980 йил) ўз вақтида адабиёт ахлининг илмий савиясини оширишдаги хизмати жуда катта бўлган. Шунинг билан бирга, Ўткир Шокиров "Алишер Навоий", "Имон", "Номаълум киши", "Донишманднинг ёшлиги" сингари машҳур асарлар тадқиқи асосида Иззат Султоннинг дарматургия соҳасидаги маҳоратини очиб берган. Унинг 20га яқин китоби, ўқув қўлланмалари, 200дан ортиқ илмий-танқидий мақолалари, тақриزلари самарали фаолиятдан далолатдир.

Меҳнат фаолиятини дастлаб ЎзФА Тил ва адабиёт институтида лаборант бўлиб бошлаган олим кейинчалик Алишер Навоий номидаги адабиёт музейида катта илмий ходим бўлиб ишлади. Мана, 35 йилдан бери Тошкент Автомобил-йўллар институтида катта ўқитувчи, кафедра мудири сифатида фидокорона меҳнат қилиб, юқори малакали мутахассисларни тайёрлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган.

Илмда, таълим-тарбия соҳасида фидойилик ва ҳалоллик билан меҳнат қилиш Ўткир Шокиров ҳаёт тарзининг асосий мезони. Айни кунларда таваллудининг 70 йиллигини қаршилаётган заҳматкаш олимга бардамлик, илмий-ижодий фаолиятида улкан зафарлар ёр бўлишини тилаймиз.

Хафиз АБДУСАМАТОВ

# ХОНАНДА ВА ТАДЖИҚОТЧИ

Хитой Халқ Республикаси Шинжон санъат институтининг мақом ва анъанавий ашула ижрочилиги бўлими ўқитувчиси, таниқли хонанда Ойшагул Муҳаммад билим ва савиясини янада ошириш ниятида 2000 йили Ўзбекистон давлат консерваториясининг магистратура бўлимига ўқишга кирган эди. У ўзбек мақом санъати билимдонларидан машҳур хонанда Саодат Қобулова устозлигида мақом санъати сирларини ўрганди.

Хитойда ҳам кўп концертлар берди. Мамлакат кўламини ўқатишдан ташқари, 2007 йили жонли ижрода анъанавий ашула айтишга доир санъат йўналишидаги институтлар бўйича танловда олтин мукофотга сазовор бўлди. Япония, Германия, Францияда мақом ва халқ ашулалари концертларида қатнашди. Унинг ижрочилик маҳорати катта эътирофга сазовор бўлди.



Ойшагул Муҳаммад уйғур муқоми ашула ва муқодалари устида тадқиқот олиб бориш учун бу йил яна Ўзбекистон давлат консерваториясининг аспирантура бўлимига ўқишга кирди. Биз илмга иштиёқ банд ижодкор билан суҳбатда бўлдик.

— Сиз моҳир ижодкор бўлиш билан бирга, илим йўлида ҳам фаолият олиб бормоқдасиз. Аспирантурада ўқишга қарор қилганингизнинг асосий сабаби нимада?

— Мақом ижрочилиги билан шуғулланиб, шуни ҳис қилдимки, уйғур муқоми ва ашула қуйларининг тарихи, ижроси борасида талай илмий тадқиқотлар олиб борилган. Айни пайтда бу соҳада ҳали теран ўрганилган ҳазиналар мавжуд. Ўн икки уйғур муқоми Бирлашган Миллатлар

Ташкилотининг ҳимоя қилинадиган номоддий маданий мерос рўйхатида киритилган. Ўзбекистон эса муқом, мақом ва халқ ашула билан изчил шуғулланаётган илим ва аломларга, тадқиқотчи мусиқашуносларга бой ўлка. Ўзбекистон давлат консерваторияси хар жиҳатдан етук устозлар тўпланган маданий бешиги. Шунинг учун билимимни янада мустаҳкамлаш мақсадида

гўзал ашула усулини ўз ичига олган "Санам" жанри устида иш олиб бориш ниятидаман. "Санам" ҳозиргача бизнинг катта-кичик сахналаримизда ижро этиб келинаётган бўлса, лекин бу жанр бўйича ҳали тадқиқотлар олиб борилмаган. Бу жанрни менинг ёдимга солган ва илмга иштиёқ уйғотган киши консерваториянинг мусиқашунос олими Сойибжон Бегматов бўлди. Шунинг учун ҳам тадқиқотимни, албатта, Сойибжон Бегматов ва Рифатилла Қосимов каби устозлар раҳбарлигида олиб бормоқчиман. Фурсатдан фойдаланиб, уларга ташаккуримни билдираман.

Адабиёт наشريётида ишлар эдим. Раҳбарлардан Одил Ёқубов йўлақда учратиб: — Сенга гап бор, — дедилар. Хоналарига кирдик. — Нашриётда ишларинг жойида. Мени бу ерга сиғирмапти, деб ҳам ўйлама, — сўзни давом эттирдилар Одил ака. — Кино кўмитаси менадан бир одам топиб беришни сўрапти. У ерда ижод қилиш учун имконият кўпроқ. Маоши ҳам каттароқ. Уйлаб кўр!

— Шакл бор, мазмун йўқ. У хилват бир гўшада ўтириб суҳбатлашмоқчи эканлигини сезаман. Унга қўшилиб кўнча йўналиман. Бино эшигига етганда, Рауф менга йўл бўшатиб, ҳазиллашган кўйда: — Кўчираверсин, ҳақини сал кейин, маош бўлганда тўлайман. Майлими? — дегани ёдимда.



СУРАТДА: (ўнгдан) ёзувчилар Одил Ёқубов ва Омон Мухтор.

— Янги режалар ва орзуларингиз ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Шинжон санъат институтида ҳозир муқом ижро этиш йўллари ўргатилади. Бироқ у одатда сахнада худди хор қуйлаётгандек таассурот қолдиради. Назаримда, муқом айтишда актёрлик маҳорати ҳам қўшиб олиб борилиши керак. Бу биз учун бир янгилик бўлади. Ёш талабалар институтига қабул қилингандан бошлаб шу усулда тарбияланиши мақсадга мувофиқ. Уларда бир вақтнинг ўзида ижро ва актёрлик маҳоратини шакллантириш зарур. Яъни муқом ва миллий мусиқа алоҳида-алоҳида ҳолда ўрганилиб, ҳар қайсиси ўз йўлида ривожлантирилиши керак.

Ойшагул Муҳаммад илмга ўзини бағишлаган фидойи инсон. У устозлар анъанасини давом эттириб, муқомларни тадқиқ қилиш ниятида. Уйлашмики, унинг ҳаракатлари зое кетмайди. Унинг изланишлари ўзбек ва уйғур халқлари ўртасидаги дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашга ҳизмат қилади, деган умиддамиз.

— Олдинга ўтаверинг. Сиз ўрсичани яхши биласиз! — дейди. Шу ўринда айтиш керак. Буюк адабларимиздан Абдурауф Фитратта аввал —

## ОМОН МУХТОР

# ДАВРИГА СИҒМАГАН ШАХС

имконият (вақт, шароит) билан маош миқдори муҳим. Арзимаман бир гап эмас! Шу боисдан, устоз маслаҳатини қабул қилдим.

Ижод бўлиш керак: кино соҳасида икки йил ишлаган кишини бу уммонга ҳатто яқинлашди, дейиш қийин. Айниқса, ўша пайтлар шундай эди. Бу соҳани ҳам бир оз ўрганишимни тақдир ўзи ёзган эканим, харҳолда яна турт йил "меники эмас" лигиға алақакан қаноат ҳосил қилган кино ҳаётига аралашиб юришимга тўғри келди.

Омон Мухтор (Ибн Сино, Бөрүнӣ, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоӣ, Нодира, Фурқат)га бағишланган фильмлар билан ҳақини асрадан кўп давр ўзбек тилида киносценарийлар ёзилмаган ва ёзишга ҳожати йўқ иш, деб қарагандек тушуна ҳўкм сурган. Жаҳон экранларига чиққан "Тоҳир ва Зухра", "Алишер Навоӣ" каби фильмлар ўзбек тилида олинмагани ёки "Насриддин Бухорода" фильмида халқ қўшиқлари бир оз "ғажиб" қўйлانгани — машҳур киноасарлардан бошлаб маълум даражада "заминдан узилишга" йўл қўйилганидан дарак беради. Кейинчалик бу "узилиш" аниқ кўрина бошлади. "Қурама" (килмиги номаълум) қахрамонлар "асаш" ва баъзан аждодлардан атрофдаги кишиларга "жоҳил қилиб" кўрсатишга "зоб бериш" ҳолати пайдо бўлди. "Босмачи"ни тасвирлаш экранда анча катта ўрин эгаллади (инсоф юзасидан айтганда, тафаккурда яшаган кўсурлар адабий асарларда ҳам етарликам ақс этган). Мухими, кино ахли учун ўзбек тилини билмаслик, ўзбек тилида китоб ўқимаслик (ўқибилмаслик), демаски, миллий руҳият оламни тушунамаслик гўёки табиий ҳол бўлиб қолган (кечга кўн сиваси, ҳаёт тарзи бу "бепарволик"ка имкон яратган) эди.

Дунёни англашга, уни ўз кўзкараши, ҳис-туйғулари орқали тасаввур этишга интилиш кишини ижод қилишга ундайди. Айни пайтда, бадий ижод инсонга ўзлигини намоян этиш имконини ҳам беради.

Аслида шеър ва ҳикоялар ёзиш, расм чизиш ёхуд илм билан шуғулланиш оламни инкишоф эттиришни турли хил воситаларидир. Ёш ижодкор Нодира Иброҳимнинг яқинда "Янги аср авлоди" нашриётида chop этилган "Ой билан суҳбатлар" номли китобига унинг шеърлари, ҳикоялари, сафарномалари, фото ва рангтасвир суратлари жамланган. Ўзига

лари ва ҳикоялари ўзига хос услубда битилган. Уларда инсон руҳиятининг турли манзаралари, олам ва одам ҳаёти ҳақидаги тасаввурлар каламга олинган. Муаллифининг дарду соғинчлари, ҳис-туйғулари таъсирчан ифодаланган.

Энтикиб ихтидор Коинот Сирли гирдобларнинг исканжасида Ҳўрсиниб, соқларин тарайди ҳаёт — Қаҳрабо тароқли кўнча Афсона...

Нодиранинг рангтасвир суратларини кузатсангиз, ҳаёлингизда коинот, осмон ур ҳақида ҳаёлий тасаввурлар жил-

Доминий ҳамроҳ эмас, сўзининг ўзаига қараб танланади. Қолаверса, қофиядош сўзлардан "равий" — сўз ўзагининг охиригитовушидан аввалги товушининг ҳам бир хил бўлиши қатъий сўзларнинг зарур. Шунга кўра "сез" сўзига "торт", "бил" сўзига "қул" қофиядош бўла олмади.



Муаллиф сафар хотираларида Хитой ва Белгия мамлакатларининг баъзи шахарлари манзараларининг ижодкор нигоҳи воситасида мусаввирага чизиб берган. Улар ўқувчиларга завқ бағишлайди. Нодиранинг хориж сафарлари чоғида ўз ватанини соғиниб ёзган иншолари ҳам ўқувчини бефарқ қолдирмайди.

"Одамларимиздаги дардақшлик, ҳиссийётларга бойлик ва қизиқонлик ҳам Оврупо сафарлари чоғида мен соғинадиган, истайдиган хислатлардандир. Совуқонлик ҳам яхши хислатдир, бироқ, ахир, мен — Осий фарзандиман, ўзбекман!"

Хотирамдаги юртнинг эрқ оддий кўриниши ҳам, ҳатто Хоразм чўлларида ўсувчи янтоғ юлғуннинг ҳидини эслаш ҳам юргимизда тасвирлаб бўлмас даражадаги ортиқчилик уйғотадиган бўлди."

Китоб муҳаррири Насиба Юсупова, бадий муҳаррир — Баҳриддин Бозоров.

## РУСТАМ МУСУРМОН

# ТАХАЙЮЛ ЧИЗГИЛАРИ

хос нашр услубига эга бўлган мазкур тўпلام мазмундорлиги, жанрлар турлутуманлиги билан эътиборни тортади. Тўпلام "Қаҳрабо тарок" (шеърлар), "Ойдин оқшоғлар" (ҳикоялар), "Сайёҳ кундалигидан" деб номланган фаслларга бўлинган. Шунингдек, китобда ушбу фасллардан жой олган асарларнинг турк тилига таржималари ҳам берилган. Муаллифининг айтишича, "баъзи картиналарини тушида "чизиб", унгада қоғозга туширган. Тасвирларида афсун бўйғи бор.

Шеърлари, ҳикоялари матога тушмаган рангларнинг сўзга кўнган шакллари "дир", деб ёзди Баҳром Рўзимухаммад Нодира Иброҳимнинг китобидаги сўзбошида.

Ҳа, ҳақиқатан ҳам Нодиранинг шеър-

валанади. Чунончи, юқоридаги мисраларида ижодкор тунни "ҳаётнинг соқлари" деб, кўёш ва унинг нуруларини эса "қаҳрабо тарок" деб сифатлайди. Бундай образга иборалар унинг шеърларида ўзига хос тароват бахш этган. Айни пайтда, ёш ижодкорнинг айрим шеърларида ҳали маромига етмаган мисралар ҳам кўзга тушади. Масалан, "Мен фақат кўнглининг далли қулиман" номли беш бандли шеърининг биринчи, иккинчи ва бешинчи бандлари "асрор" — "бор", "ҳўқуқ" — "йўқ", "ҳавас" — "бас" сўзлари воситасида қофияланган. Учинчи ва тўртинчи бандларда эса "сезурман" — "тортурман", "билурман" — "қулиман" сўзлари қофиядош сифатида олинади. Одатда, қофия қўшимчаларга

# ИНТИЛГАНГА ТОЛЕ ЁР

Ёш расмом Ойбек Исмоилов Камолдин Бехзод номидидаги Миллий рассмомлик ва дизайн институтида ўқиб юрган талабалик давридаёқ илмга қанқоқлиги, қамтаринлиги, топширилган вазифани সিқидидиган бажариши билан кўпчилик эътиборини қозонди. Институтнинг магистратура бўли-

интилганга толе ёр, деганларидек Ойбек бу мураккаб асарни шу йил март ойида — аниқ "Наврўз" байрами арафасида тугаллашга эришди.

Асар умумий композиция бўйича икки қисмга, яъни ўнг ва чап томонларга бўлиниб, қоқ ўртасидан тик лентасимон устун туширилган. Лента гўё кино ва театрнинг девор оша яратилган тарихини намоян этаётгандек тасаввур уйғотди. Деворий суратнинг ўнг томонидан юқори қисмида

ги айланма зинада энг қадимги Юнонистон, Рум, Оврупо алломалари, театрнинг сара актёрларию ёзувчи, драматурглар, уйғонши даври ижодкорлари ифода қилган бўлса, чап томондан ҳам худди шундай энг қадимги Шарқнинг улуг алломалари, ёзувчи-шоирлари, мусиқачилари, турли даврларда яшаган ўзбек театри ва киносининг таниқли актёрлари акс эттирилган. Бу асарда дунё санъати ривожига ўз ҳиссасини қўшиб келган ўзбекистон санъатининг буюк вакилларидан тортиб, ҳозирги кунда камтарин ижоди билан миллий санъатимиз равнақиға хисса қўшаётган санъаткорлар қиёфаси тасвирланган.

Деворий мураккаб, композицион кўпқоматли мазкур асар жиддий изланишлар самараси. Шу билан бирга, ушбу асарда Шарқ ва Ғарб санъати ҳамма даврларда уйғун таракқий этгани ўзига хос ифода воситалари орқали тасвир этилган.

## ТАҲМЕДОВ, САНЪАТШУНОС

СУРАТДА: "Театр санъати" асари.



СУРАТДА: (ўнгдан) Абдулаҳад Абдуллаев, Наби Раҳимов, кинорежиссёр Йўлдош Абзамов ва ёзувчи Улмас Умарбеков.

рождинин Камолитдинов деган акаимиз бошқарди. Сирожиддин ака кўпни кўрган, хуш суҳбатининг қадриға етадиган, керак пайтда бировга меҳр кўрсатадиган, ёрдан берадиган киши эди. Бироқ у, олдинлар бу ердангидан юқори мансаб кўрсиларида ўтирган, сўнгги йиллар хасталанган, чўккан, бир оз тоқатсиз, асабий бўлиб қолган эди. Баъзан арзимаман гап устида ҳам жаҳли чиқиб қизариб-қорайиб кетар, азон айтишга чоғланган сўфидек, икки қўлини икки қўлоғи томон кўтариб, бақир-чақирга тушарди. Ўз хурматини билган ижодкор бўлганимдан, шундай пайтлар менга бу малол келиб, мен ҳам беихтиёр қизишар эдим.

Биз бировни камтар, деймиз. Бировни қирли, деймиз. Булар унга мос келмасди. У хар қандай шароитда, каттақилик олдига ўзини МУНОСИБ тутарди. Ақлли ва билимли эканлиги кўриниб турарди.

Санъат олами (олдин у ишлаган театр, энди кино олами) билан бирга, адабиётни яхши тушунар, баъзан таржима билан ҳам шуғулланар эди. Лекин афтидан, таржимонликни ҳеч давбосиз ҳавас, деб билар ва бунга "сабаби тирқиқчилик" ҳам қўшиларди. Миллионлар маблағ ажратилган кино ишида вази даражасидаги раҳбар — Абдулаҳад ака олижонроқ, ҳалол киши бўлганидан, фақат ўз меҳнатидан келган даромад билан кўн қурар, ортиқча ҳашам, зеб-зийнатдан йироқ содда ҳаёт кечирарди. Унинг баъзан фўқаро қабилида қўли қисқа бўлган юрган пайтлари учрарди... Кўмитида ишга киришиб кетганимдан сўнг, ҳамкасбларимни каби мени ҳам ҳизмат юзасидан раис хузуриға қақиртири турарди. Вазифадан ташқари суҳбатларда ақсар гап адабиёт ва таржимага бориб боғланарди. Шу суҳбатлар давомида у менга гоҳ ўз таржималарини: бир қараган-чи, деб ўқитиб олган. Гоҳ эса кўлёмани кўчиртириб беришини сўраган (идорада ўзбек тилида матн кўчирадиган йўқ эди). Ушанда бир-икки бора:

Кўмитадан "Шарқ юлдузи" журналига ишга ўтганимдан ярим йили, бир йил кейин, Абдулаҳад ака ҳам ишдан кетганини эшитдим. Уни суриштирганимда, Марғилонга (у киши марғилонлик эди) кетиб қолган, деб эшитдим. Кетмаган эканими, қайтиб келганими, хар ҳолда, тасодиф бир даврада учратдим. Унда-бунда кўришадиган, кўнғироклашадиган бўлдик. У оғина фурсат Аброр Ҳидоятнов номидидаги ёшлар театрида директор лавозимида ҳам юриди... Менинг театр ва кино борасида арзирли бир иш қилишимни жўда-жўда истар эди. Балки, шу боисдан, "Аёллар мамлакати ва салтанати" романин асосида Юсуф Розиков фильм яратганида, дастлабки номийошига этиб келди. Юсуфни ҳам қадрлар эканими, фильм қай савиёда бўлмасин, у ва мен тўғримида илиқ сўзлар айтиди.

Қайсидир йили, эсламайман, қўнғирок қилиб оғохлантдириб редакциға келди. Иноятиллоҳ Канбунинг "Баҳори доиш" асарини форсчадан ўзбек тилиға ўтирган экан, аввалги пайтлардагидек, бир қараган-чи, деб қолдирди. Биз журналда асарнинг маълум қисминини эълон қилдик. Журналини етказаргани, деб ўйлаб турган эдим. Ўзи яна хабарлашди — мени унутмаганин учун раҳмат, дегандек бўлди.

Сўнгги йиллар кўча-кўйда, метро ва автобусда уч-тўрт учратдим. Тишга боғлиқ қандайдир хасталикка йўлиққан эди, қафтини чеккасиға босиб аэобланиб юрарди. У таржималардан яқилит китоб тузмоқчи эди, насиб этмади.

Шундай шахслар борки, буюк ишлар қилмаганда, ўз хабтарли билан дунёға кўрб бағишлаб ўтадилар. Абдулаҳад ака шундай шахс эди...

